

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ АЗАМАТ ХАИТОВИЧ

**ПРЕЦИЗИОН ВИБРОМЕХАНИКА ПРИНЦИПЛАРИГА АСОСЛАНГАН
БОШҚАРИЛАДИГАН МЕХАНИЗМЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШДА МАХСУС ҚОТИШМАЛАР (ОҚ ЧЎЯН ВА АЛЮМИНИЙ-ЛИТИЙ)
ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МУҲАНДИСЛИК ЕЧИМЛАРИ**

05.02.02 – Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина деталлари

05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси (қуймачилик ва металларга ишлов бериш йўналиши)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской(DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctor's (DSc) dissertation

Ахмедов Азамат Хаитович

Прецизион вибромеханика принципларига асосланган бошқариладиган механизмларнинг янги авлодини ишлаб чиқишда махсус қотишмалар (оқ чўян ва алюминий-литий) қўллашнинг назарий ва муҳандислик ечимлари3

Ахмедов Азамат Хаитович

Теоретические и инженерные решения по применению специальных сплавов (белый чугун и алюминий-литий) при разработке нового поколения управляемых механизмов на основе принципов прецизионной вибромеханики31

Akhmedov Azamat Khaitovich

Theoretical and engineering solutions for the use of special alloys (white cast iron and aluminum-lithium) in the development of a new generation of controlled mechanisms based on the principles of precision vibration mechanics57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works61

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ АЗАМАТ ХАИТОВИЧ

**ПРЕЦИЗИОН ВИБРОМЕХАНИКА ПРИНЦИПЛАРИГА АСОСЛАНГАН
БОШҚАРИЛАДИГАН МЕХАНИЗМЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШДА МАХСУС ҚОТИШМАЛАР (ОҚ ЧЎЯН ВА АЛЮМИНИЙ-ЛИТИЙ)
ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МУҲАНДИСЛИК ЕЧИМЛАРИ**

05.02.02 – Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина деталлари

05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси (қуймачилик ва металларга ишлов бериш йўналиши)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.DSc/T502 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Каримов Камолхон Аббосович
техника фанлари доктори, профессор

Тураходжаев Нодир Джахонгирович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимухамедов Шавкат Пирмухамедович
техника фанлари доктори, профессор

Нурмуродов Салоҳиддин Дусмуродович
техника фанлари доктори, профессор

Мамасаидов Мухамеджан Ташалиевич
Қирғиз Республикаси Миллий Фанлар Академиясининг академиги, Хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 12 июнь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс:(99871) 227-10-32; e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (329 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871)227-10-32).

Диссертация автореферати 2023 йил 30 май куни тарқатилди.
(2023 йил 29 майдаги 165 - рақамли реестр баённомаси).

А.А. Мухитдинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Ш.Б. Ташбулатов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби
техника фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD, доцент

А.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида фундаментал ва умуммуҳандислик фанларининг назарий ва татбиқий илмий ишланмаларига асосланган умумий машинасозлик, машинасозлик материалшунослиги соҳаларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда рақобатбардош ва импорт ўрнини босадиган технологиялар, машиналар ва механизмларни янги такомиллашган қурилмаларини яратишда юқори мустаҳкамликка эга янги қотишмаларни қўллаш устида фундаментал тадқиқотлар олиб бориш долзарб илмий, назарий ва амалий масалаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга прецизион вибромеханика принципларига асосланган параметрлари ва боғланишлари бошқариладиган механизмларнинг назарий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш асосида уларнинг юқори мустаҳкамликка эга янги авлод қурилмаларини яратиш назарий ва муҳандислик нуқтаи назаридан долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу борада ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШ, Германия, Англия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Россия ва бошқа мамлакатларнинг илмий-тадқиқот марказларида, ишлаб чиқариш саноатида қўлланиладиган умрбоқий техника ва инновацион технологияларни яратиш мақсадида бошқариладиган фрикцион ва вибрацион механизмларнинг назарий асосларини, янги авлод қурилмаларини ишлаб чиқиш ва қўллашда юқори сифатли эксплуатацион хоссалари орттирилган янги истиқболли металл қотишмаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда замонавий машинасозлик, машинасозлик материалшунослиги ривожланишининг фундаментал асослари бўлган механизмлар ва машиналар назарияси ҳамда материалшунослик бўйича тадқиқотларни фаоллаштиришга, юқори иқтисодий самарадорликка эга автоматлашган системаларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Механизмлар ва машиналар назарияси бўйича халқаро ташкилот (IFToMM) ўзининг XIII Халқаро Конгрессида биринчи марта (Мексика, Гуанохуато, 2009 йил) ва Ижроия қўмитасининг сўнгги кенгаш мажлисларида (2009-2023 йиллар) жаҳон олимлари тадқиқотларини таҳлил қилиб, механизмлар ва машиналар назариясининг долзарб илмий йўналишлари орасида бошқариладиган механизмлар бўйича илмий тадқиқотларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратди. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда механизмлар ва машиналар назарияси, замонавий машинасозлик, машинасозликда материалшунослик, қўймачилик ихтисосликлари доирасида прецизион вибромеханика принципларига асосланган механизмларнинг такомиллашган янги авлод қурилмаларини ишлаб чиқиш учун янги ва юқори сифатли махсус қотишмаларни қўллаш, чуқур назарий ва амалий фундаментал тадқиқотлар олиб бориш ҳамда бунинг асосида уларнинг математик моделларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Республикамизда механизмлар ва машиналар назарияси, машинасозлик материалшунослиги соҳаларининг тадқиқот доираларида қишлоқ хўжалиги,

озик-овқат, тоғ-кон, металлургия ва геология саноатларида, машиналарнинг вибрацион ҳаракатлари, асбобсозлик ва аниқ машинасозликда кенг қўлланиладиган параметрлари ва боғланишлари бошқариладиган механизмлар ва механик системаларни яратишда ҳамда инновацион технологияларни амалга оширишда янги мустаҳкам металл қотишмаларини қўллаш асосида механизмларнинг сифатини ошириш имконини берувчи муҳандислик ечимларини ишлаб чиқиш, янги назарий ҳисоблаш усулларини яратиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «... иқтисодий инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш, ... иқтисодий тармоқларида яратилган технологияларни саноат даражасида тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ... саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини кенг жорий қилиш»¹ бўйича вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан енгил ва оғир саноатнинг барча ишлаб чиқариш технологик жараёнларида кенг қўлланиладиган параметрлари ва боғланишлари бошқариладиган механизмларнинг такомиллашган янги авлод қурилмаларини татбиқ этишда юқори таркибдаги сифатли оқ чўян ва алюминий-литий қотишмаларини қўллаш, технологик жараёнларни такомиллаштириш асосида мавжуд хомашё базасидан оқилона фойдаланиш ҳисобига иқтисодий самарадорликни таъминлайдиган рационал ечимларни ишлаб чиқиш, тоғ-кон, металлургия, геология саноати технологик жараёнларида қўлланиладиган бошқариладиган вибрацион механизмларнинг назарий асосларини, янги рационал қурилмаларини яратиш ва ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 10 январдаги ПҚ-4565-сонли «2020 - 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307-сонли «2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Прецизион вибромеханика принципларига асосланган бошқариладиган механизмларнинг янги авлод қурилмаларини яратиш, ушбу қурилмаларни ишлаб чиқишда махсус қотишмалар, оқ чўян ва алюминий-литий қотишмаларини қўллаш, фриксион ва вибрацион механизмларнинг бошқариладиган қурилмаларини функционал имкониятлари кенгайтирилган авлодини ишлаб чиқиш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари олимлари томонидан, жумладан, Калифорния университети (АҚШ), The University of Sheffield (Англия), University of Applied Sciences in Mittweida (Германия), China University of Jinan (ученые Min Zuo, Maximilian Sokoluk, Chezheng Cao), China University of Petroleum-Beijing (Хитой), Харбин университети олимлари профессор Ruizhi Vu, Jean Ducrocq, Цзунъян Чжан, Канадалик олимлар Т.А. Utigard, R.Roy и К. Friesen, Англия ва Италиялик олимлар Annalisa Pola, Marialaura Tocci, Plato Kapranos, Покистон университети (Покистон) олими Р. Набибуллаҳ, Kaunas University of Technology ва Гедиминас номли Вильнюс техника университети ва Каунас технология университети (Литва) олимлари академиклар К. Рагульскис, Ю. Бансявичюс, Ю. Остапявичюс, Россия Фанлар Академиясининг Машинашунослик институти директори мархум академик К. Фролов бошчилигидаги олимлари, Н.Э. Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Санкт-Петербург политехника университети (Россия), Рига техника университети (Латвия), ЎЗР ФА М.Т. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети, Тошкент давлат транспорт университети, Наманган муҳандислик-қурилиш институти (Ўзбекистон) олимлари томонидан салмоқли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва олиб борилмоқда.

Вибрацион механик системаларнинг функционал имкониятларини кенгайтириш ва қурилмаларини яратишда енгил ва мустаҳкам композит материалларни қўллаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида, оғир ва енгил саноатда юқори фойдали иш коэффициентига эга бўлган машиналар ва қурилмалар яратилган. Жумладан, (Калифорния университети (АҚШ), University of Applied Sciences in Mittweida, Германия ва China University of Petroleum-Beijing, Хитой). Фриксион механизмларнинг боғланишларини юқори частотали вибрация ёрдамида бошқариш усулларини ишлаб чиқилиши натижасида сирпанишдаги материал ейилишбардошлиги оширилган ва ишлаш жараёнида табиий юзага келадиган нуқсонларни

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [https://link.springer.com/](https://link.springer.com;);
<https://www.combridge.org/>; <https://www.tandfonline.com/>; <http://eng.cczu.edu.cn/>;
[https://www.dissercat.com/catalog/mekhanika/](https://www.dissercat.com/catalog/mekhanika;); <https://www.journals.elsevier.com/>; <https://www.usm.edu/>;
<https://www.sciencedirect.org> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

бартираф этиш усуллари ишлаб чиқилган (China University of Jinan, олимлар Zuo, Maximilian Sokoluk, Chezheng Cao, The University of Sheffield, Англия). Ташқи физик майдонлар ва суюқликнинг магнитореологик эффектларидан фойдаланиб ўтказилган тадқиқотлар натижасида, фрикцион ва вибрацион боғланишлари бошқариладиган прецизион механизмларнинг янги авлоди таклиф этилган (Kaunas University of Technology, Литва). Уч ўлчовли қурилмаларнинг автоматлашган тизимларида, ҳаракатни узатиш, параметр ва боғланишларни бошқаришда гироскопик системаларни татбиқ этиш ва стабиллаш масалалари тадқиқ этилган, натижада медицина ва оғир артеллерияда қўлланилувчи юқори мустаҳкам структурали ишчи детал, асбоб-ускуна ва куроллар ишлаб чиқилган (Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети ва Санкт-Петербург политехника университети, Россия). Машинасозлик материалшунослигида қўймакорлик усулида техник ва технологик жараёнларни модернизация қилиш ва ҳосил қилинадиган янги қотишма ва материалларни эксплуатацион хоссаларини ошириш бўйича тадқиқотлар самарасида газ эритиш агрегатларидан олинган алюминий қотишмаларининг механик хусусиятлари яхшиланган. Жумладан, Беларусь Республикаси Миллий техника университети олимлари С.П.Задруцкий, Г.А.Румянцев, Б.М.Немененок, И.А.Горбель, С.Л.Ровин, академик С.П.Королёв номидаги Самара Миллий тадқиқот университети олимлари С.В.Воронин ва П.С.Лобода, Пенза давлат техника университети олими В.А.Грачев.

Kennek Copper Corporation (АҚШ) тадқиқотчилари V.Donaldson, S.N.Sharma ва N.J.Temelis пиррометаллургик усул ёрдамида шлакдан мис ажратиб олишнинг икки босқичли циклик усулини ишлаб чиқишган. Bayer AG компанияси (Германия) тадқиқотчилари R.Baatz, G.Beylshteyn, D.Grenner, V.Keller ва D.Steinбах диклоробутан изомери реакцияси натижасида ҳосил бўлган мис катализатори бўлган оқова сувларни тозалаш технологиясини ишлаб чиққанлар. Швецариялик олимлар R.Thiel, K.Zinsstagh ва G.Faschinger органик компонентларни карбонлаштириш йўли билан секин совутиш орқали мис ва бошқа рангли металлларни энергиясиз ажратиб олиш усулини ишлаб чиқишган ("Lonza Ltd." фирмаси тадқиқотчилари).

Механизмлар ва машиналар назарияси, машинасозликда материалшунослик ҳамда қўймачилик технологиялари йўналишларидаги тадқиқотларни узвий алоқадорлигини таъминлаш ва долзарб илмий, назарий-амалий аҳамиятга молик тадқиқотларни такомиллаштириш, саноатнинг турли соҳаларида кенг қўлланиладиган праметрлари ва боғланишлари бошқариладиган механизмларнинг янги авлодини яратишда махсус қотишмаларни (оқ чўян, алюминий-литий) қўллаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Айниқса, адабиётлар ва шу соҳадаги олимларнинг илмий ишларининг аналитик таҳлиллари шуни кўрсатадики, машинасозлик материалшунослиги ва қўймачилик технологиялари йўналишлари бўйича олиб борилган тадқиқотларда технологик жараёнларни математик моделлаштириш масалалари 12-15% ни ташкил этмоқда. Зероки, иқтисодий жиҳатдан катта маблағлар талаб этиладиган экспериментал ишларни ўтказмасдан уларни

математик моделларини яратиш, уларнинг аналитик ечимларини топиш ва сонли ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш айна вақтда назарий ва татбиқий нуқтаи назардан долзарб масалалардан ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё олимлари томонидан прецизион вибромеханика принципларига асосланган бошқариладиган механизмлар ва механик системаларнинг тузилиши, кинематикаси ва динамикасини ривожлантириш борасида классик машина ва механизмлар назарияси, машинашуносликда материалшунослик ва қўймачилик йўналишларида бир қатор самарали тадқиқотлар олиб борилган ва муайян натижаларга эришилган.

Жаҳоннинг етакчи ва кўплаб илмий марказлари, олий таълим муассасаларида кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган. Механизмлар ва машиналар назариясининг кўплаб йўналишлари бўйича дунёнинг етакчи олимлари, жумладан Германия ва АҚШ тадқиқотчилари M.Bergstrasser, P.Muller, M.Redwood, Z.Levai, M.French ва бошқалар томонидан фрикцион ва вибрацион механизмларнинг самарадорлигини ортириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилган. Тадқиқотлар натижасида вибрацион механизмларни динамик ва кинематик моделлаштириш усуллари, ишчи органларнинг ҳаракат дифференциал тенгламалари ишлаб чиқилган. Япония, Хитой ва Ҳиндистон олимлари Y.Yokoуama, S.Okabe, O.Kiyoshi, W.Zhang, H.Shi, R.Khurmi, J.Gupta ва бошқалар томонидан параметрлари бошқариладиган механизмларнинг ҳисоблаш усуллари шакллантирилган, вибрацион механизмлар устида назарий ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилган. Тадқиқотларда ишчи органларнинг эластиклик хусусиятлари инобатга олинган математик моделлари ишлаб чиқилган.

Бошқариладиган механизм қурилмаларида қўлланиладиган алюминий қотишмаларини мустаҳкамлиги ва қаттиқлигини оширишда АҚШ ва Хитойлик олимлар Maximilian Sokoluk, Min Zuo, Chezheng Cao, Jie Yuanлар томонидан қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, алюминий қотишмаларининг хоссаларини яхшилаш борасида қўшимча сифатида TiC (20 мкм) нанозарраларидан фойдаланиб, алюминий қотишмаларини юқори мустаҳкамлигига ва иссиқлик кенгайишининг паст коэффиценти орқали механик хоссаларини ортишига эришилган. Бунда қаттиқлик 110HV дан 180HV га ортган.

Россиялик олимлар С.В.Воронин ва П.С.Лобода ғовак структурали юқори механик хусусиятга эга алюминий қотишмаларини ишлаб чиқариш усулларини тақлиф этишган.

Англия олимлари Г.Бессемер ва С.Томас ва франциялик тадқиқотчи П.Мартен томонидан машинасозликда кенг қўлланиладиган пўлат ва чўян олишнинг янги усуллари ва қурилмалари ишлаб чиқилган.

Литва олимлари К.М.Рагульскис ва Р.Ю.Бансявичюс прецизион вибромеханика усуллари ёрдамида бошқариладиган янги механик системаларни яратиш устида тадқиқотлар олиб боришган. Тадқиқотларда юқори частотали эластик тўлқинларни йўналтириш орқали механизмларнинг

фрикцион характеристикаларини, ҳаракат йўналишларини ўзгартиришга эришилган. Шунингдек, турли позицион ҳаракатларни олиш имконини берувчи фрикцион характеристикалари бошқариладиган прецизион механизмларнинг янги қурилмаларини таклиф этишган.

МДХ мамлакатлари олимларидан И.И.Артоболевский, К.В.Фролов, А.П.Бессонов, И.И.Блехман, И.И.Вульфсон, В.Л.Вейц, О.Д.Алимов, М.Т.Мамасайдов, У.А.Джолдасбеков, С.Н.Кожевников, М.В.Хвингия, А.Ф.Крайнев, Н.И.Колчин, М.З.Коловский, И.В.Крагельский, В.В.Андронов, И.Ф.Мальцев, Р.Ф.Нагаев, Я.Г.Пановко, Б.А.Пронин ва бошқалар томонидан машина ва механизмларнинг классик ва замонавий назариясига асос солиниб, турли механизмларнинг янги қурилмаларини яратиш учун уларни структуравий, кинематик ва динамик анализ ва синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилган.

Параметрлари бошқариладиган ва ўзгарувчан механизм ва механик системалар соҳасидаги дастлабки назарий тадқиқотлар ўтган асрнинг 70-йилларига бориб тақалади. Ушбу биринчи ва кейинги тадқиқотлар К.В.Фролов, К.М.Рагульскис, Р.Ю.Бансявичюс, И.И.Блехман, В.Л.Вейц, Р.Ф.Нагаев, Х.Х.Усманходжаев, Р.И.Каримов, Ш.П.Алимухамедов, К.А.Каримов, А.Х.Умурзаков ва бошқалар номи билан боғлиқ. Ушбу тадқиқотларда юқори частотали эластик тебранишларни ҳосил қилиш орқали ишқаланиш характеристикаларини ўзгартириш имкониятларидан фойдаланиб, параметрларни бошқариш, ташқи физик майдонлар ва nodoиравий ғилдиракларни қўллаш орқали эришилган. Ўзбекистон олимларидан Қ.С.Санакулов, А.А.Юсупходжаев, А.С.Хасанов, Н.Д.Тураходжаевлар томонидан ишлаб чиқилган қотишмаларни прецизион механизмларда қўллаш технологияси татбиқ этилган.

Илмий натижалардан, ҳозирги вақтга қадар чет эл ва юртимиз олимлари тадқиқотларида технологик жараёнларни инобатга олган ҳолда, олий ва қуйи кинематик жуфтлардаги геометрик, кинематик ва динамик параметрлари ва боғланишлари бошқариладиган механизмлар ишчи звеноларининг назарий асосларини яратиш борасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмаган. Бундан ташқари жаҳон амалиётида бошқариладиган механизмлар ва механик системалар бўйича илмий ишлар, назарий тадқиқотлар натижасида технологик машиналарда қўлланиладиган конкрет механизм қурилмалари ишлаб чиқилмаган. Бошқариладиган механизмларнинг янги авлод қурилмаларини ишлаб чиқишда бу қурилмаларнинг юқори мустаҳкамлигини таъминлайдиган машиносозлик материалшунослиги доирасидаги илмий ва назарий тадқиқотлар, юқори мустаҳкамликка эга алюминий-литий қотишмаларини қўллаш, шунингдек, замонавий машинасозликда механизмлар ва машиналар назарияси, машинасозликда материалшунослик ва қуймачилик соҳаларини узвийлигини таъминлайдиган назарий тадқиқотлар, математик моделлаштириш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган. Прецизион вибромеханика принципларига асосланган параметрлари ва боғланишлари бошқариладиган янги авлод қурилмаларини ишлаб чиқишда юқори мустаҳкамликка эга қотишмаларини қўллашда, юқори мустаҳкам

қўйма деталларни ҳосил қилиш технологик жараёнларини, тажриба тадқиқотларини ўтказишда замонавий ЭҲМнинг ривожланган дастурлари ёрдамида математик моделлар ишлаб чиқиш, унинг аналитик ечимларини аниқлаш борасидаги тадқиқотлар механизмлар ва машиналар назарияси ҳамда машинасозлик материалшунослиги соҳаларининг узвий алоқадорликдаги ривожини таъминлашда муҳим ҳисобланади.

Ушбу муаммолар ечимини топиш мақсадида прецизион вибромеханика принципларига асосланган параметрлари ва боғланишлари бошқариладиган механизмларнинг ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш, назарий асосларини такомиллаштириш, бунинг асосида юқори техник ва технологик талабларга жавоб берадиган, бошқариладиган янги авлод қурилмаларини ишлаб чиқишда юқори мустаҳкамликка эга алюминий-литий қотишмаларини қўллаш борасида назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, машинасозлик материалшунослигида юқори мустаҳкамликка эга янги ва енгил алюминий қотишмаларини, механизм қурилмаларининг алюминий деталларини олиш технологик жараёнларини сифатли баҳолаш имконини берадиган эффектив математик моделларни яратиш, рационал таклифлар ишлаб чиқиш ва бунинг асосида мавжуд хом-ашё базасини тежаш ва инновацион илмий асосланган ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш натижасида маълум иқтисодий самарадорликка эришиш долзарб ва муҳим вазифа ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №Ф-2-29 “Параметрлари ва боғланишлари бошқариладиган механизмларнинг янги авлод конструкцияларини ишлаб чиқиш мақсадида уларнинг назарий асосларини яратиш” (2012-2016 йй.), №А-ОТ-2021-34 “Юқори сифатли енгил алюминий-литий қотишмаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш” (2021-2022 йй.) мавзуларидаги Ўзбекистон-Хитой ҳамда №MRB-2021-521 “Алюминий ва тантал оксидлари асосида янги мустаҳкам наноструктурали материалларни яратиш” (2022-2023 йй.) мавзусидаги Ўзбекистон-Белорусь қўшма амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади прецизион вибромеханика принциплари асосида бошқариладиган фрикцион ва вибрацион механизмларнинг янги қурилмаларини ишлаб чиқишда махсус қотишмаларни қўллашнинг назарий ва муҳандислик ечимларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошқариладиган фрикцион ва вибрацион механизмларнинг мавжуд қурилмалари ва назарий тадқиқотларини таҳлил этиш. Механизмларнинг назарий асослари ва қурилмаларини ишлаб чиқишда прецизион вибромеханика усулларида фойдаланиш имкониятларини асослаш. Фрикцион ва вибрацион механизмларнинг параметрлари ва боғланишларини бошқаришнинг умумий классификацияларини такомиллаштириш;

фрикцион ва юқори частотали вибрациялар орқали бошқариладиган турли механизм қурилмаларининг математик моделларини тузиш ва

аналитик ечимларини аниқлаш;

ташқи физик майдонлар ёрдамида бошқариладиган механизмлар ва механик системаларни назарий асосларини ишлаб чиқиш;

машинасозликда қўлланиладиган прецизион механизмларнинг ҳаракатини математик моделлаштириш масалаларини асослаш. Оқ чўян, алюминий, мис ва махсус қотишмаларни олиш технологиясининг математик моделларини ва аналитик ечимларини яратиш;

бошқариладиган механизмларнинг янги авлод қурилмаларини яратишда қуймакорлик усулида қотишмалар олишга оид тажрибавий тадқиқотларнинг математик моделларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида параметрлари ва етакланувчи бўғинлари бошқариладиган олий ва қуйи кинематик жуфтга эга фриксион ва вибрацион механизмлар олинган.

Тадқиқот предмети прецизион вибромеханика принципларига асосланган бошқариладиган механизмларнинг назарий асосларини такомиллаштирилиши ва унинг асосида фриксион ва вибрацион механизмларнинг янги авлод қурилмаларини ишлаб чиқишда махсус қотишмаларни қўллаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида прецизион вибромеханика усулларида, механизмлар ва машиналар назариясининг классик ва замонавий усулларида, қуйма усулида механизмлар олиш жараёнида ультратовуш тебранишларини қўллаш, тебранишлар назарияси, математик моделлаштириш, чизикли ва чизикли бўлмаган дифференциал тенгламалар, шунингдек ЭҲМнинг сонли усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

механизмлар ва машиналар назариясида бошқариладиган фриксион ва вибрацион механизмларнинг параметрлари ва боғланишларини бошқаришнинг такомиллашган классификацияси уларнинг ишлаш муҳитидаги таъсир этувчи кучлар катталигига боғлиқ равишда ишлаб чиқилган;

прецизион вибромеханика усуллари ёрдамида бошқариладиган фриксион ва вибрацион механизм қурилмалари ҳаракати математик моделлари кутилаётган чиқиш параметрлари асосида ишлаб чиқилган ва аналитик ечимлари олинган;

ташқи физик майдонлар ёрдамида олинган қуйма маҳсулотлардан тайёрланган механизмлар ва механик системаларни ишлаб чиқиш иссиқлик алмашинув кўрсаткичлари ёрдамида назарий асосланган;

электрореологик ва магнитореологик эффектлар (ноньютон суюқликлари) асосида механизмларнинг бошқариладиган ҳаракатларини ҳосил қилиш кўрсаткичлари назарий асосланган;

реверс механизмнинг ҳамда бошқариладиган вибромайдалагич ишчи органининг ҳаракатини аниқлаш ва ҳисоблаш математик модел асосида ишлаб чиқилган;

қуйма усулда олинган машинасозлик деталларининг мустаҳкамлигини ошириш технологияси детал материалининг

мустаҳкамлиги ва ейилишбардошлиги орасидаги боғлиқлик асосида математик моделлаштирилган;

машинасозликда деталларни қуймакорлик усулида олишнинг математик модели қуйма таркибидаги элементларнинг унинг механик хоссаларига таъсир этиш даражаси асосида ишлаб чиқилган;

бошқариладиган механизмларнинг янги авлод қурилмаларини яратишда қуймакорлик усулида олинган деталларнинг механик хоссаларига боғлиқлиги асосида математик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Параметрлари ва боғланишлари бошқариладиган фрикцион ва вибрацион механизмларнинг янги авлод қурилмалари ишлаб чиқилган ва асосланган;

бошқариладиган оптик сканерловчи, айланма ҳаракатни илгариланма ҳаракатга ўтказувчи, ғилдираклари синхрон айланувчи, одимловчи ва ўзини ўзи тўхтатувчи фрикцион механизмларнинг янги қурилмалари ишлаб чиқилган;

тоғ рудалари ва турли табиий қотишмаларни бойитишга тайёрлаш учун уларни майдалайдиган бошқариладиган горизонтал вибромайдалагич қурилмаси ишлаб чиқилган;

қуймакорлик усулида махсус қотишмалар (оқ чўян ва алюминий-литий) ҳосил қилишда технологик жараёнлар ва тажриба тадқиқотларини математик баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги прецизион вибромеханика принциплари асосида масалаларни математик жиҳатдан асосли ва коррект қўйилиши, тебранишлар назариясининг замонавий усуллари ҳамда ЭХМдаги дастурлар, чизиксиз дифференциал тенгламаларни сифат жиҳатидан тадқиқ этиш усуллари ривожлантирилиши, ишлаб чиқилган янги горизонтал вибромайдалагич қурилмаси синовининг ижобий натижалари, махсус қотишмаларни ҳосил қилишда тажриба тадқиқотлари натижаларини шу тадқиқотларни бажармасдан аниқлаш имкониятининг ҳосил қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий ва қуйи кинематик жуфтликка эга бошқариладиган механизмларнинг назарий асосларини ишлаб чиқишни такомиллаштирилиши, назарий натижалардан бошқариладиган механизмлар ишчи органлари мураккаб ҳаракати тенгламалари ечимларини аниқланиши, қуймакорлик усулида махсус қотишмаларни ҳосил қилишни илмий асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти прецизион вибромеханика усуллари кенг қўллаб, назарий ишланмалар асосида параметрлари ва боғланишлари бошқариладиган механизмларнинг янги авлодини ишлаб чиқишга, шунингдек тоғ-кон рудалари ва турли табиий қотишмаларни бойитишга тайёрлаш учун уларни майдалайдиган янги горизонтал вибромайдалагич қурилмасини ишлаб чиқишга эришиш, қуймакорлик усулида олинадиган қора ва рангли металл қотишмаларни олиш технологик

жараёнларида тажриба тадқиқотларини такомиллашган математик моделларини ишлаб чиқиши натижасида иқтисодий ва меҳнат сарфини камайтирилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Прецизион вибромеханика принципларига асосланган параметрлари ва боғланишлари бошқариладиган механизмлар қурилмаларини ишлаб чиқишда оқ чўян ва алюминий қўймаларини қўллаш, механизмлар ишчи органлари деталларидаги ишқаланиб ейилишини ва бошқа камчиликларини бартараф этиш, технологик жараёнларни такомиллаштириш асосида хомашё базасини тежаш ҳамда иқтисодий самарадорликка эришиш бўйича олинган натижалар асосида:

горизонтал ва вертикал вибромайдалагич ва шарикли майдалагич механизмларининг боғланишлари ва параметрларини бошқаришнинг такомиллаштирилган технологияси “Навоий машинасозлик заводи”га жорий қилинган (“НКМК” АЖнинг 28 декабрь 2022 йилдаги 23.01-01-07/880-сон маълумотномаси). Натижада тоғ-кон саноатида қўлланиладиган майдаловчи машиналарнинг иш унумдорлиги 12-14% га ортган.

дробилкалар ишчи органларининг мураккаб фазовий ҳаракатлари математик моделари учун сигнатурали ораликларни интеграллаш усули “Навоий машинасозлик заводи”га жорий қилинган (“НКМК” АЖнинг 28 декабрь 2022 йилдаги 23.01-01-07/880-сон маълумотномаси). Натижада ушбу бошқариладиган механизмларнинг янги қурилмалари учун техник-иқтисодий ва сифат кўрсаткичларини математик моделлаштириш асосида баҳолаш имкони 25-30% га ортган.

вибрацион механизмлар бўғинлари кинематик жуфтларининг фрикцион характеристикаларига юқори частотали вибрацияни таъсир этиш технологияси “Навоий машинасозлик заводи”га жорий қилинган (“НКМК” АЖнинг 28 декабрь 2022 йилдаги 23.01-01-07/880-сон маълумотномаси). Натижада тоғ-кон, геология саноатида қўлланиладиган вибрацион механизм юритмаларини иш жараёнида энергия сарфи 10-15% га камайган.

яратилган математик модель асосида параметрлари бошқариладиган машиналар ишчи органлари оқ чўян деталларини ишқаланиб ейилишини камайтириш технологияси “Навоий машинасозлик заводи”га жорий қилинган (“НКМК” АЖнинг 28 декабрь 2022 йилдаги 23.01-01-07/880-сон маълумотномаси). Натижада бошқариладиган машина ишчи органларининг ейилишбардошлиги 12-14% га ошган.

машина деталларини қўйма усулида олишда оқ чўян таркибидаги нометалл қўшимчаларни ўзгаришини баҳолайдиган, суюқлантирилган ваннага шихтани юклаш даврида ҳароратнинг ортиши билан қотишма таркибидаги қўшимчаларнинг ўзгаришини характерлайдиган математик моделлар “Навоий машинасозлик заводи”га жорий қилинган (“НКМК” АЖнинг 28 декабрь 2022 йилдаги 23.01-01-07/880-сон маълумотномаси). Натижада бошқариладиган механизмларни ишлаб чиқишда технологик жараёнларга сарфланадиган энергия 14-16% га камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот

натижалари 24 та, жумладан 21 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 8 та Республика, 9 та хорижий журналларда (8 таси Scopus базасида индексланган журналларда), 3 та монография, 2 та ўқув қўлланма нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 4 та дастурий маҳсулотга гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Фрикцион ва вибрацион механизмларнинг параметрлари ва боғланишларини бошқаришнинг умумий классификацияларини ишлаб чиқиш. Назарий ва татбиқий изланишларни асослаш»** деб номланган биринчи бобида фрикцион ва вибрацион механизмлар бўйича жаҳон миқёсидаги адабиётлар шарҳи, илмий ва назарий муаммолар таҳлили, техник ишланмалар келтирилиб, мавжуд аналитик тадқиқотлар умумлаштирилган.

Технологик машиналарда қўлланиладиган параметрлари ва боғланишлари бошқариладиган механизмлар тадқиқотларининг аналитик усулларини ишлаб чиқиш ва унинг асосида уларнинг янги авлод қурилмаларини яратишда прецизион вибромеханика усулларини татбиқ этиш имкониятлари асосланган.

Бошқариладиган фрикцион ва вибрацион механизмларни бошқариш усулларининг янги такомиллаштирилган классификациялари тавсия этилган. Ишқаланиш кучини ўзгартириб, ишқаланувчи сиртлар юзасида юқори частотали эластик тебранишларни ҳосил қилиб, куч майдони ва ташқи физик майдонлар ёрдамида механизмларни бошқариш усуллари мантиқий давом эттирилиб, такомиллаштирилган. Ишқаланиш кучини бошқариш ва

Ўзгартириш натижасида фрикцион механизмлар кинематик жуфтларининг параметрларини бошқариш ҳамда юқори частотали эластик тўлқинларни (хусусан, “югурувчи”, “турғун” тўлқинлар) кинематик жуфтларнинг фрикцион характеристикаларига таъсири ҳақидаги масалаларнинг қўйилиши ва ечилиши асосланган.

Диссертациянинг «**Прецизион вибромеханика принципларига асосланган бошқариладиган фрикцион ва вибрацион механизмларнинг математик моделларини ва аналитик ечимларини ишлаб чиқиш**» деб номланган иккинчи бобда технологик талаблардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришнинг реал секторларига, хусусан, тоғ-кон саноати, металлургия, умумий ва аниқ машинасозлик, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик саноати, робототехника, мудофаа саноати, соғлиқни сақлаш саноати технологик жараёнларида кенг қўлланиладиган функционал имкониятлари кенгайтирилган янги авлод бошқариладиган механизмларни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда истиқболли ва самарали йўналиш сифатида прецизион вибромеханика тамойилларига асосланган тадқиқотлар олиб борилган.

Прецизион вибромеханика принципларига асосланган енгил ва оғир саноат, озиқ-овқат, тоғ-кон металлургияси, машинасозлик материалшунослигида кенг қўлланиладиган бошқариладиган фрикцион ва вибрацион механизмларни ишлаб чиқиш ва уларнинг математик моделларини яратиш ҳамда аналитик ечимларини ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилган. Бунда тебранма ҳаракатлар сифатли тадқиқ этилиб, қаттиқ жисмнинг текисликдаги бошқариладиган ҳаракати, фрикцион туташган етакловчи ва етакланувчи ғилдиракнинг ташқи даврий куч билан бошқариладиган ҳаракати, реверсив механизмнинг ўзгарувчан ҳаракати, горизонтал вибромайдалагич ишчи органининг бошқариладиган ҳаракатлари математик моделлари ишлаб чиқилган ва аналитик ечимлари аниқланган. Чизиксиз ҳаракат дифференциал тенгламаларини интеграллаш учун янги усуллар қўлланилиб, ЭХМ ёрдамида бу ҳаракатларни сифатли тадқиқ этадиган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилган ва уларга патентлар олинган.

Фрикцион механизмнинг чизиксиз хусусий ҳосилали сигнатурали ҳаракат дифференциал тенгламаларини интеграллаш учун фанда илк бора “вақтинчалик оралиқлар усули” ишлаб чиқилган ва асослаб берилган.

Келтирилган мулоҳазаларни амалий қўллаш масалалари дастлаб тоғ-кон, геология саноатида қўлланиладиган, фойдали қазилма, қотишма ва рудаларни бойитишга тайёрлаш учун уларни майдалайдиган бошқариладиган горизонтал вибромайдалагич қурилмаси ишчи органи ҳаракатининг математик модели тузилган ва унинг аналитик ечимларини аниқлаб, олинган ечимларни таҳлил этилган. Олинган назарий илмий тадқиқот натижалари рационал горизонтал вибромайдалагич қурилмасини тавсия этиш ва ишлаб чиқиш, уни амалиётга жорий этиб, маълум иқтисодий самара олиш билан яқунланган.


Бошқариладиган фрикцион ва вибрацион механизмлар ишчи органларининг ҳаракати математик моделларини ва аналитик ечимлари асосида фойдали руда ва қотишмаларни майдалайдиган рационал горизонтал

вибромайдалагич қурилмаси амалиётга жорий қилинди. Натижада вибромайдалагичда майдаланадиган тоғ рудалари ва турли табиий қотишмаларнинг ишлаб чиқаришдаги унумдорлиги 16-17 %га ортган. Тоғ рудалари ва турли табиий қотишмаларни майдалашда юритманинг умумий фойдали иш коэффициентини 10-15 %га, майдалаш жараёнининг сифати 15-18 %га, горизонтал вибромайдалагичларнинг тезлаштирилган ресурс ва тажриба синовларини ўтказиш усули асосида майдаланишдаги унумдорлик 20-25 %га ортган.

Тебранувчан столнинг икки координатали тебраниши тезлик ва тезланиш модулига боғлиқ ҳолда тез ортиб бориши аниқланди.

Ташқи физик майдон ҳисобланадиган электрореологик ва магнитореологик эффектларни қўллаган ҳолда бошқариладиган механизм қурилмалари бўғинларининг сирт емирилишларини камайтириш ва юритма валининг реверссиз ҳаракатида қўзғалувчи бўғиннинг реверсли ҳаракатини олиш имкони мавжудлиги исботланди.

Умумий кўриниши 1-расмда тасвирланган, янги ишлаб чиқилган фрикцион механизмда олдинги аналог механизмлардаги камчиликлар бартараф этилган ва механизмнинг ишончилиги ортган.



1-расм. Айланма ҳаракатни илгариланма ҳаракатга ўтказувчи фрикцион механизм схемаси

Қўзғалувчан элементнинг тебранма ҳаракат дифференциал тенгламаси тузилиб, уни интеграллаш 3 та асосий ҳол учун кўриб чиқилди.

Валнинг қўзғалувчан элемент билан контакт нукталари орасидаги ишқаланиш кучларини мавжуд Кулон қонунига кўра, $F_{мпх} = -fN \text{sign} \dot{x} = -fG \text{sign} \dot{x}$, деб олиб, ўзгармас c бикрликка эга пружиналарнинг қўзғалувчан элементга таъсирини ҳам инобатга олсак, ҳаракат дифференциал тенгламаси куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$m\ddot{x} + cx - m_1\omega^2 R \cos \omega t = -fG \text{sign} \dot{x}. \quad (1)$$

$\dot{x} = 0$ га тенг бўладиган онларда ишқаланиш кучининг қиймати тинчликдаги ишқаланиш кучининг қиймати $f_1 N$ дан ортиб кетмаслиги ($f < f_1$) лозим. f_1 - тинч ҳолатдаги ишқаланиш коэффиценти. Бу эса қўзғалувчан элементнинг реверсли ҳаракатида тезлик ишорасини ўзгартириш онларини кузатиб, аниқлаб туриш кераклигини билдиради. Вақтнинг қандайдир $[t_n, t_{n+1}]$ чекли оралиғида $\dot{x} < 0$ бўлиб, (1) тенглама

$$m\ddot{x} + cx - m_1\omega^2 R \cos \omega t - fG = 0 \quad (2)$$

кўринишни эгаллайди. Шу $[t_l, t_{l+1}]$ чекли вақт оралиғидаги умумий ечим


$$x(t) = c_1 \cos kt + c_2 \sin kt + \frac{m_1\omega^2 R}{m(k^2 - \omega^2)} \cos \omega t - \frac{fg}{k^2} \quad (3)$$

кўринишда бўлади.

Ушбу мулоҳазани давом эттириб, \dot{x} тезликнинг ишораси галма-гал ўзгарадиган ҳар бир $[t_m, t_{m+1}]$ ($m = 1, 2, \dots, n-1$) чекли вақт оралиғи учун (2) тенгламани интеграллаш мумкин. (3) умумий ечим таркибидаги интеграллаш доимийларини қўзғалувчан элементнинг тезлиги ишорасини ўзгартираётган вақтда $\dot{x} = 0$ қийматга эришадиган ҳар бир $t = t_m$, ($m = 1, 2, \dots, n-1$) вақт учун алоҳида ёзиш керак бўлади.

Маълумки, бошқариладиган механизм звеноларининг ҳаракат чизиқсиз дифференциал тенгламаларини квадратураларда даврий ечимлари мавжуд бўлмайди. Дифференциал тенгламалар бўйича мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, тенглама таркибига сигнатура (*sign*) кирган бўлса, бирор-бир илмий мақолаларда ҳам, уларнинг асимптотик ёки сонли усулларидаги ечимлари келтирилмаган. Ушбу хулосага асосан қўйидаги муҳим тавсияни таъкидлаб ўтиш лозим. Яъни, тадқиқот олиб борилаётган механизмлар ва машиналар таркибига реверсив ҳаракат қилувчи ишчи органлар кирган бўлса, уларнинг ҳаракат дифференциал тенгламаларини юқорида келтирилган усул билан умумий ечимларини олиш мумкин. Бу усулни “вақт интерваллари усули билан ечиш” (“решение методом временных интервалов») номи билан аташ мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сферик виброўзгартиргичда юқори частотали эластик тебранишларни қўзғатилса, ойна тутқичи билан динамик дебаланс берадиган куч таъсирида координата бошидан ўтувчи ўқ атрофида бурилади (2-расм). Тебранишларни қўзғатиш давомийлиги $\tau_k \ll 2\pi / \omega$ ва қўзғатиш фазаси момент вектори ҳолатига нисбатан фазода ойнанинг оний айланиш ўқи ҳолати ва бурчак тезлигини аниқлайди, яъни ойнанинг бурчак тезлик вектори $\omega = const$ ни бошқарув системаси билан аниқлайди. Шу усул билан, пьезокерамик ўзгартиргич ва сферик тутқич орасидаги ишқаланиш кучини ўзгартириб, ойнанинг фазода исталган ҳолатини олиш мумкин.



2-расм. Оптик сканерловчи қурилма схемаси

Қурилманинг асосий техник характеристикаси қуйидагича: кўзгалувчанлик сони учга тенг, ойнанинг максимал массаси 10 кг, ҳар бир координата бўйича бурчак тезлиги 2 рад/с, нотекислик коэффициентини 0,005, рухсат этилган чегараси $5 \cdot 10^{-7}$ рад, максимал радиал тезланиш $1,2 \cdot 10^3$ рад/с², ойна диаметри 115 мм дан кичик эмас.

Дефлектор ва сканерловчи қурилма мисолида функционал имкониятлари кенгайтирилган бошқариладиган механизмларни яратишнинг асосий тамойиллари ва назарияси асосланди. Гироскоп ва шу каби қурилмаларнинг замонавий илмий, назарий муаммолари ва тоғ-кон саноатида уларни қўллашнинг назарий асослари тадқиқ этилди.

Бошқариладиган фрикцион ва вибрацион механизмлар ишчи органларининг ҳаракати математик моделларини ва аналитик ечимларини аниқлаш таклиф этилаётган тоғ-кон саноатида фойдали руда ва қотишмаларни майдалайдиган рационал горизонтал вибромайдалагич мисолида келтирилди. Ушбу бошқариладиган механизмларнинг янги қурилмалари учун техник-иқтисодий ва сифат кўрсаткичларини математик моделлаштириш асосида баҳолаш имкони 25-30% га енгиллаштирилди.


«Ташқи физик майдонлар ёрдамида олинган қўйма маҳсулотлардан тайёрланган механизмлар ва механик системаларни ишлаб чиқишнинг назарий асослари» деб номланган учинчи бобда механизмлар ва машиналар назариясида янги ва истиқболли йўналишлардан бири бўлган прецизион вибромеханика принципларига асосланган параметрлари ва боғланишлари бошқариладиган механизмларнинг янги авлод қурилмаларини ишлаб чиқишда ташқи физик майдонлардан фойдаланиш, унинг ёрдамида қўйма маҳсулотлардан тайёрланадиган механизм деталларини ҳосил қилиш имкониятлари назарий асосланган. Хусусан, ультратовуш тебранишларни таъсири остида қўйма усулда олинадиган оқ чўянларнинг қаттиқлик қатламнинг қалинлигига ишлов бериш, оқ чўянларнинг таркибидаги газ қўшимчаларнинг миқдорига шихтани ваннага юклаш ҳарорати ва алюминий миқдорининг таъсирини тадқиқ қилиш, бошқариладиган вибромеханизмларни ишлаб чиқишда реологик эффектлардан фойдаланишда

инновацион технологиялар ёритилган. Аниқ машинасозликда бошқариладиган механизмларни яратишда реологик суюқликнинг тўлқинсимон ҳаракати математик моделлари ва аналитик ечимлари аниқланган. Электрореологик ва магнитореологик суюқликлар асосида механизмларнинг бошқариладиган ҳаракатларини ҳосил қилиш имкониятлари тадқиқ этилиб, назарий асосланган.

Оқ чўянларнинг ейилишбардошлигини ошириш мақсадида таркибига 12% дан 16% гача миқдорда хром қўшилган қотишманинг кристалланиш жараёнида унга тебранма ҳаракат берилди. Бунда тебранишлар амплитудаси 5 мкм дан 45 мкм оралиғида танлаб олинди. Объект сифатида таркибида 3% углерод (С) бўлган эвтектикагача оқ чўян ва таркибида 4,8% углерод бўлган эвтектикадан кейинги оқ чўянлар олинган.

3-расмда таркибида 12% хром бўлган оқ чўяннинг тебранишлар амплитудаси 5 мкм дан 45 мкм гача бўлган ҳолатда ҳосил бўлган қаттиқ қатламнинг қалинлигининг ўзгариш графиги келтирилган.


Таркибида 12% хром бўлган эвтектикагача оқ чўянлар учун тебранишлар амплитудаси 25-30 мкм оптимал натижа берган бўлса, эвтектикадан кейинги оқ чўян учун тебранишлар амплитудаси 30-35 мкм ни ташкил қилди.



3-расм. Таркибида 12% хром (Cr) бўлган оқ чўянга ультратовуш тебранишлар таъсири

Тадқиқотнинг кейинги босқичида ҳам оқ чўянларнинг ейилишбардошлигини ошириш мақсадида таркибига 12% дан 16% гача миқдорда хром қўшилган қотишманинг кристалланиш жараёнида унга тебранма ҳаракат берилди. Бунда тебранишлар частотаси 9 кГц дан 18 кГц оралиғида танлаб олинди. Бу тадқиқотда ҳам объект сифатида таркибида 3% С бўлган эвтектикагача оқ чўян ва таркибида 4,8% бўлган эвтектикадан кейинги оқ чўянлар олинган.


4-расмда таркибида 12% хром бўлган оқ чўяннинг тебранишлар частотаси 9 кГц дан 18 кГц гача бўлган ҳолатда ҳосил бўлган қаттиқ қатламнинг қалинлигининг ўзгариш графиги келтирилган.



4-расм. Таркибида 12% хром (Cr) бўлган оқ чўянга ультратовуш тебранишлар частотасининг таъсири графиги

Тебранишлар частотаси 16 кГц дан ортганда эса қаттиқ қатлам қалинлиги камайиб боради. Таркибида 12% хром бўлган эвтектикагача оқ чўянлар учун тебранишлар частотаси 15-16 кГц оптимал натижа берган бўлса, эвтектикадан кейинги оқ чўян учун тебранишлар амплитудаси 14-16 мкм ни ташкил қилди.

5-расмда таркибида 12 % хром бўлган оқ чўянга 8-18 кГц частотадаги ультратовуш тебранишлар частотаси билан ишлов берилганида ҳосил бўлган структура келтирилган.




5-расм. Таркибида 12 % хром бўлган оқ чўянга 8-18 кГц частотадаги ультратовуш тебранишлар частотаси билан ишлов берилганида ҳосил бўлган структура

Печга юкланаётган оқ чўян шихтасининг таркибидаги кимёвий элементларнинг шихта ҳароратига боғлиқлик даражасини аниқлаш учун қатор тадқиқот ишлари олиб борилди. Жумладан таркибига 0,2% дан

1,2% алюминий қўшилган шихтани 20 °С дан 120 °С гача бўлган ҳароратгача қиздириб, суяқ ваннага юкланди. Бунда шихтанинг ўртача диаметри 70-90 мм ни ташкил этди.


Тадқиқот олтига босқичда олиб борилди. Оқ чўян шихтасининг таркибига 0,2% дан 1,2% гача алюминий киритилди ва уни дастлабки қиздириш ҳарорати 20 °С дан 120 °С гача қилиб олинди.

6-расмда олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича олинаётган оқ чўян таркибида ҳосил бўлган газ қўшимчаларнинг юкланаётган шихтанинг ҳароратига боғлиқлик графиги келтирилган.



6-расм. Таркибида 0,8 % Al қўшилган оқ чўян шихтасини печга турли ҳароратда юклангандаги газ ташкил этувчиларнинг миқдорига боғлиқлик графиги

Таркибида 0,2 дан 1,2 % гача Al бўлган оқ чўян таркибидаги газ ғовакларининг жойлашуви СЭМ Zeiss EVO MA 10 сканерловчи электрон микроскоп ёрдамида таҳлил қилинди. 7-расмда таркибида 0,8 % Al бўлган оқ чўян таркибидаги газ ғовакларининг жойлашуви кўрсатилган.



7-расм. Таркибида 0,8 % Al бўлган оқ чўянни таркибидаги газ ғовакларнинг СЭМ Zeiss EVO MA 10 сканерловчи электрон микроскоп ёрдамидаги таҳлили

Юкланаётган шихтанинг ҳарорати 50 °С дан 85 °С гача бўлганида олинаётган оқ чўян қотишмасининг таркибидаги газ миқдорининг камайиши кескин равишда бўлиб, олинаётган оқ чўян қотишмаси таркибидаги газларнинг миқдори 0,2 дан 0,32 см³/100гр гача бўлган оралиқда бўлади. Ҳароратнинг 90 °С дан ортиши газ миқдорининг камайишига таъсири

камаяди ва оқ чўян шихтасининг қиздириш ҳарорати 90 °С бўлганида қотишмадаги газларнинг миқдори 0,22 см³/100гр ни ташкил этди. Бу ҳароратдан ортиқ даражагача шихтани қиздириш ўзини оқламайди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, оқ чўянни суюқлантиришдан олдин шихта таркибига 0,8-1,0% миқдорида алюминий элементини киритиш олинаётган қотишма таркибидаги газларнинг миқдорини кескин камайтиришга олиб келади. Шу билан бир қаторда юкланаётган оқ чўян шихтасини 50-90 °С даражасигача қиздириш катта самара беради. Таркибига алюминий элементини қўшилган шихтани 50-90 °С гача қиздириш олинаётган оқ чўян таркибидаги газ қўшимчаларнинг миқдорини 30-35% гача камайтириш имконини беради.

Электрореологик эффектлар асосида контакт зонасидаги боғланишлари бошқариладиган ҳаракат турини ўзгартириб олиш имконини берувчи фрикцион механизмни кўриб чиқамиз. Таъкидлаш лозимки, вал билан кўзғалувчан элемент орасидаги қуйи ва юқори зоналарида кучланиш манбааларини таъсир эттириб, суюқликнинг реологик хусусиятларини ўзгартириш орқали бошқариладиган ҳаракатни олиш имконияти ҳосил қилинади. Бу эса вал айланиши билан кўзғалувчан элементнинг тўғри ва тескари йўналишларда илгариланма ҳаракатини олиш имконини беради. Шундай қилиб, қисқа вақтда ва айланувчи валнинг реверсиз тўхташида кўзғалувчан элементнинг талаб этилган аниқликдаги позицион реверсив ҳаракати олинади.

Кўзғалувчан элементнинг ҳаракат дифференциал тенгламасини қуйидаги кўринишда тузиш мумкин:

$$m\ddot{x} = \beta(r\omega - \dot{x}), \quad (4)$$


бунда m – валнинг электрореологик суюқлик билан биргаликдаги массаси.

